

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati
Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 19-iyul, shanba
№ 57 (15799)

ЭЗГУЛИК МАСКАНИГА ТАШРИФ

Халқимизнинг имон-эътиқод, меҳроқибат, хайру саховат, одамийлик, ҳамжихатлик сингари эзгу хислатлари маънавий ҳаётимизни юксалтиришда тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада мамлакатимизда виждон эркинлиги, диний бағрикенглик тамойилларига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг қонуний асосда мустаҳкамлаб қўйилганлигини қайд этиш лозим.

Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида азалий урф-одат ва қадриятларимизни қайта тиклаш, муқаддас динимизни, азиз-авлиё ва уламоларимизнинг бой меросини чуқур ўрганиш, уларнинг қадамжоларини ободонлаштириш, тарихий обидаларни асраб-авайлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Имом Бухорий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Исо Термизий, Баҳоуддин Нақшбандий мажмуалари, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Ҳазрати Имом қадамжолари каби муқаддас масканларда катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Бугунги кунда бундай обидалар юртимизнинг энг файзли ва табаррук гўшаларига айланди. Шулар қаторида Тошкент Ислом университети ташкил қилиниб, ушбу илм масканида талабаларнинг диний маърифат асосларини чуқур эгаллаши учун зарур шароитлар яратилганини айтиб ўтиш жоиз.

Бундай хайрли ва савобли ишлар бугунги кунда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, пойтахтимизнинг кўҳна Минор мавзесида янги муҳташам масжид биноси барпо қилинмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов 18 июль куни ана шу масканда бўлиб, қурилиш ишлари билан яқиндан танишди.

Шу ўринда айтиш керакки, Юртбошимизнинг ғоя ва таклифлари асосида яратилган ушбу лойиҳада миллий меъморчилигимизнинг азалий анъана ва услубларидан фойдаланган ҳолда ҳар жиҳатдан бетакрор, муаззам мажмуа барпо этиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари бу ерда мохир қурувчи ва усталарнинг фаолияти билан танишар экан, амалга оширилган кенг кўламли қурилиш ва ободончилик ишлари ҳақида фикр билдирди, мажмуани янада такомиллаштириш бўйича кўрсатма ва тавсиялар берди.

Ислом Каримов мазкур қадамжо атрофида олиб борилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ҳам синчиклаб кўздан кечирди. Ҳар бир дарахт, ҳар қайси майдон, фаввора ва йўлак шаҳарсозликнинг энг юксак талабларига уйғун бўлиши зарурлигини уқтирди.

Ҳозирги вақтда ушбу худуддан оқиб ўтадиган Анҳор ва унинг атрофидаги жойлар ободонлаштирилиб, пойтахт қиёфасига алоҳида кўрк ва чирой бағишламоқда.

Бу ишларнинг барчаси шаҳар аҳолиси ва меҳмонларининг гўзалликдан баҳра олиб, мазмунли дам олишлари, бир сўз билан айтганда, эл-юртимизнинг маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Президентимиз бундай муқаддас жойларда аввало пок ният, соф интилиш билан иш олиб бориш, ҳар бир гиштни қўйишда етти ўлчаб бир кесиш кераклигини, токи биз бунёд этган муҳташам иморатлар асрлар давомида авлодларимизга ҳайрат ва ғурур-ифтихор бағишлаб туриши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

ЎЗА



Хирмонимиз баланг, мақсадимиз ҳам улғу

Юртимиз ғаллакорлари йиллик шартнома режасини бажарганлиги муносабати билан Президентимиз Ислом Каримовнинг йўллаган табриги, ҳар биримиз, айниқса, биз, деҳқон-фермерлар қалбига қувонч ва ғурур бахш этди. Юртбошимиз табригида «Дунёда меҳнатқаш инсонлар жуда кўп, лекин оғир синовларда тобланган, ўз фидойилиги ва матонати, чидамлиги ва олижаноблиги билан ажралиб турадиган ўзбек деҳқонларига етадиган, уларга тенг келадиган одамлар кам», деган сўзлари мен каби ёш фермерларда ўзимизга бўлган ишончни ошириб, келгусида бундан-да юксак марраларни эгаллашга илҳомлантирди.

Илк бор юртимиз қишлоқ хўжалиги тарихида миришкор деҳқонларимизнинг машаққатли меҳнати, ғайрат-шижоати билан саккиз миллион эллик минг тонналик юксак ғалла хирмони бунёд этилди. Бундай маррага етганимиздан қувонмай бўладими?

Отам қишлоқ хўжалигида узоқ йиллар меҳнат қилган, болалигимдан далани кўриб улғайган

бўлсам-да, фермерлик сир-асрорларини, хусусан, ерларнинг мелиоратив ҳолатини, ҳисоб-китоб ишларини ўрганиш учун Тошкент ирригация ва мелиорация институти ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида таҳсил олдим. Олган билимларим ҳаётимда аниқ мақсадлар билан олға интилишимга сабаб бўлди. Истиқлол туфайли биз, ёш фермерларга яратилаёт-

ган имкониятлар кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди.

Иш фаолиятимни «Нишон оби-ҳаёт» сувдан фойдаланиш уюшмасида мироб вазифасидан бошлаган бўлсам, кейинчалик отам Зиёдулла Фармонов ташкил этган фермер хўжалигига раҳбар бўлдим. Бошланишида хўжалигимизда саксон гектар экин майдони бор эди. Кейинчалик уни 219 гектарга кенгайттирдик. Жорий йилда тўқсон беш гектарга экилган ғалладан давлат шартнома режасида белгиланган 280 тонна ўрнига 325 тонна ғалла топширдик.

Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида мен ҳам ташаббусни қўлдан бой бермайман. Бугун фермер хўжалигимиз чорвачилик, деҳқончилик, асаричилик, боғдорчилик йўналишларини йўлга қўйиб, кўп тармоқли фермер хўжалигига айланди. Ҳозир ўн гектар майдондаги боғимизда янги навдаги олма, ўрик, шафтоли, беҳи, анор каби мевали дарахтлар парва-

ришланапти. Келгуси йил уларнинг барчасидан ҳосил олиниб, халқимиз дастурхонини тўлдирди. Фермер хўжалигимизнинг тармоғи икки юзга яқин қорамол, икки юздан ошиқ ушоқ мол ҳамда олти миш қўти асалари билан кенгайган. Етиштирилаётган гўшт маҳсулотлари бозорларимиз пештахталарига етказиб берилмоқда. Айни дамда балиқчиликни режалаштиряпмиз. Хўжалигимизнинг йигирма уч нафар аъзоси доимий иш билан банд. Яқинда яна тўрт нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминладик.

Бундан ташқари, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида илмий ходимизланувчи сифатида «Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг назарий-услубий жиҳатлари» мавзусида докторлик диссертацияси устида ишлаяпман. Юртбошимиз биз, фермерларга катта ишонч билдирмоқда. Мана шу юксак ишончни оқлаш учун келгусида қишлоқ мулкдорлари сифатида худудда ишлаб чиқариш ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларини ҳам ривожлантиришни режалаштирганмиз.

Жонибек ШОДМОНОВ,
Нишон туманидаги
«Фармонов З.» фермер
хўжалиги раҳбари

Vatanimiz mustaqilligining 23 yilligi oldidan

Эзгу Вазирлар

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Истиқлол айёмига қизгин ҳозирлик кўриш, уни юксак савияда ўтказишга оид ишларни кенг ва тизимли тарзда ташкил этиш учун дастуриламал бўлиб хизмат қилаётган Президентимизнинг 2014 йил 1 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижроси ҳам изчил таъминланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Ўзбекистон Журналистлари Ижодий уюшмаси, Миллий телерадиокомпания ва Миллий ахборот агентлиги билан ҳам-

корликда «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» мавзuida ўқув семинари ташкил этди.

Семинарда оммавий ахборот воситалари ходимлари

олдига қўйилган энг улуғ байрамимиз арафасида юртимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларнинг асосий маъно-мазмуни, Ватанимиз тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий эканини, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида эришилган ютуқларнинг аҳамиятини юртдошларимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказишдек долзарб ва эзгу вазифалари ҳақида сўз борди.

Тадбирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори Абдужаббор Абдувоҳидов, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги

бош директори ўринбосари Садрриддин Суяров, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси раиси ўринбосари Олим Тошбоев ва бошқалар сўз олди.

Семинарда иштирок этган эксперт, олимлар, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, босма, электрон оммавий ахборот воситалари вакиллари, маънавият тарғиботчилари Ўзбекистонда миллий ахборот тизимида амалга оширилган ислохотлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот ва оммавий ахборот восита-

лари ходимлари куни муносабати билан йўллаган байрам табригида журналистлар олдига қўйилган долзарб вазифалар, мустақилликнинг 23 йиллигини телевидение, радиода ёритишнинг муҳим масалалари, Ўзбекистон сиёсий тизимининг шаклланиши тўғрисида фикр билдиришди. Тадбирда, шунингдек, мустақиллик йилларида маънавият соҳасида амалга оширилган ишлар, бугунги вазифалар, Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши ва истиқболлари, юртимизнинг иқтисодий ривожланиш модели, ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги саъй-ҳаракатлар ва «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар масалаларига бағишланган маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Парвина ОМОНОВА,
«Turkiston» муҳбири

«Bunyodkor — 2014»

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига ҳисса қўшишга бел боғлаган тенгдошларимиз «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракатига аъзо бўлиб, қурилиш ва таъмирлаш, ободонлаштириш, педагогика, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги соҳаларида меҳнат қилмоқда. Бундай ишларда қорақалпоғистонлик «Бунёдкор»чи талаба-ёшлар алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда.



Мағаний ҳорғиқ иш унумдорлигини оширмоқда

Айни кунда Нукус давлат педагогика институтининг эллик етти нафар талабаси «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати сафида туриб, «Тахиятош тау-кита» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида Нукус шаҳридаги Қорақалпоғистон Республикаси ихтисослаштирилган санъат мактаби қурилишида меҳнат қиляпти. «Бунёдкор»чилар бу ерда деворларни суваш, хоналарни пардозлаш, сантехник ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини тортиш, ободонлаштириш сингари ишларда уста-қурувчиларга яқиндан кўмаклашмоқда. Улар махсус қурилиш кийимлари билан таъминланган.

— Биз, ёшлар юртимиздаги бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан хурсандмиз. Ўзги таътил кунларимизни ҳам фойдали иш билан ўтказяпмиз. Бу ердаги ойлик маошдан ҳам, шароитлардан ҳам мамнунмиз. Меҳнатимизга яраша ҳақ олаяпмиз, — дейди Нукус давлат педагогика институти талабаси Азамат Жумамуратов.

Талаба «Бунёдкор»чиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида «Камолот» ЁИХ Нукус давлат педагогика институти бошланғич ташкилоти қоши-

даги «Зиёли ёшлар» интеллектуал клуби аъзолари «Заковат» интеллектуал ўйинини, «Турон» театр студияси эса интерфаол ўйинлар ташкиллаштирмоқда. «Бунёдкор»чиларга газета ва журналлар ҳам етказиб берилмоқда. Бундай шароитлар иш унумдорлигини янада оширмоқда.

Клара ХУДАЙБЕРГЕНОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси



Tashabbus

Оддий чиқиндиган оройдала буюм

Кундалик ҳаётимизда кўпгина буюмларни кераксиз нарса сифатида чиқинди қутиларига ташлаб юборамиз. Ҳолбуки, ижодий фикрловчи инсонлар қўлида бу буюмлар нафис санъат асарига айланиши мумкин.



Пойтахтимиздаги «Гулшан» маданият ва истироҳат боғида «Garbage lab» (чиқинди лабораторияси) мавзuida ташкил этилган тадбирда ҳам оддий чиқинди-

маданият ва истироҳат боғи ва БМТТД ва БМТК «Ўзбекистонда ижтимоий инновациялар ва кўнгиллик» лойиҳаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда иштирокчилар турли

ижтимоий масалаларнинг инновацион ечимларини излаб топишди. Тадбирга имконияти чекланган ёшлар ҳам жалб этилди. Улар ҳам ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган семинарларда иштирок этди. Ижтимоий инновациялар лабораториясида қатнашган Ихтиёр Камолов ва Бунёд Эгамбердиев Фарғона ҳамда Бухоро вилояти шароитларидан келиб чиққан ҳолда совуқ сувни куёш ёрдамида иситиб фойдаланиш лойиҳасини тақдим этди. Кўпчиликда қизиқиб уйғотган ушбу ижтимоий инновацион лойиҳа оддий елим идиш ва сим ёрдамида амалга оширилмоқда.

Кўнгилли ёшлар томонидан ташкил этилган «Garbage lab» каби лойиҳаларнинг тенгдошларимиз орасида ўтказилиши, уларнинг ижодий қобилияти ўсишига катта ёрдам беради.

Ўғиллой ҚАХҲОРОВА,
ЎЗМУ талабаси



ларнинг фойдали буюмга айланганига гувоҳ бўлдик. Ёшларда ижодий қобилиятни ривожлантиришга қаратилган мазкур ижтимоий инновациялар лабораториясида юртимизнинг турли ҳудудларидан кўнгилли ёшлар иштирок этди. «Гулшан»

хил маиший чиқиндилардан фойдаланиб, керакли буюмлар ясашди. Энди ушбу буюмлардан турли хил мақсадларда фойдаланиш мумкин.

«Garbage lab» доирасида йиғилган кўнгилликлар ўзларининг ноанъанавий фикрлаши орқали турфа

«Yoz — 2014»

«Kamolot» loyihalari

Пойтахтимиздаги «Эко-боғ»да «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида «Миллий халқ ўйинлари — беқиёс бойлигимиз!» шиори остида миллий халқ ўйинлари фестивали бўлиб ўтди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан ўтказилган ушбу фестивалда оромгоҳда дам олувчи болалар, фаол ва иқтидорли ёшлар, маҳалла фаоллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Миллий ўйинларимиз — беқиёс бойлигимиз



Шу куни Эко-боққа келган одамлар, нафақат, миллий халқ ўйинларимизни томоша қилишди, балки ўзлари ҳам ўйнаб кўришди. Деворий газеталар, ўзига хос миллийликни акс эттирган либослар ҳар бир кишини ҳайратда қолдирди.

Фаол ёшлар гуруҳларга бўлинган ҳолда ўзбек халқининг миллий қадриятлари, урф-одатлари, халқ ўйинлари ва спорт турлари ҳақида мутахассислардан батафсил маълумотлар олишди. Иштирокчиларга Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар кенгаши томонидан тайёрланган «Миллий халқ ўйинлари» тўплами тарқатилди. Фестиваль давомида «Арқон тортиш», «Ким олади-ё?», «Сакраб югуриш (от ўйини)», «Арғимчоқ», «Кўз бойлаш», «Хўрозлар жанги» каби ўнлаб халқ ўйинлари намойиш этилди.

Фестиваль сўнггида голиблар ҳамда фаол иштирок этган туман ёшларига диплом ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

Рустам КҶЧҚОРОВ.

Рустам Назарматов олган суратлар.

Эртак қаҳрамонлари саёҳатга чиқди

Ёзни ҳаммадан ҳам ўқувчилар интизорлик билан кутади. Жонажон мактаблари билан бир муддатга хайрлашиб, сўлим оромгоҳлар сари йўл олган болаларнинг қувончи чексиз. Албатта, ҳар доимгидек «Камолот» уларга ҳамроҳ. Ҳаракатнинг Бухоро вилояти кенгаши тасдиқлаган дастурга кўра, жорий йилги мавсумий ва мактаблар ёнида ташкил этилган оромгоҳларнинг сони анча ошди. 17 та доимий оромгоҳга 5922 нафар бола жалб этилган бўлса, 143 та мактаб олди оромгоҳ 10500 нафар ўғил-қизга қучоқ очди.



Қалби беғубор болажонлар ширин сўз, «сюрприз»ларни хуш кўришади. Бу йилги оромгоҳлар болажонларга ана шундай кутилмаган совғаларни тақдим эта олди. Бухоро шаҳридаги «Ёш алоқачи» болалар оромгоҳига эрта тонгдан эртанамо безатилган от-араванинг кириб келишидан болажонлар хайратланди. Айниқса, турли эртак қаҳрамонларининг совғасаломлар билан ташрифи дам олувчилар кайфиятини янада кўтарди.

— Хали кўзимни очиб ҳам улгурмаган эдим, ўртоқларимнинг: «Зумрад ва Қиммат», «Бўри», «Қуён», қаранглар, «Ўлмас Кашей» ҳам кепти...» деган ҳайқириқлари мени оромгоҳ супасига отилиб чиқишга ундади. Ўзим сезмаган ҳолда бир эртак қаҳрамонини ачомлаб олибман. У «Сариқ девни миниб» асаридаги Ҳошимжон экан. У менга Жюль Верннинг «Ўн беш ёшли капитан» асарини совға қилди, — дейди ромитанлик ўн ёшли Ҳайитбек Сатторов.

Ҳаракатнинг вилоят кенгаши ҳамда вилоят Кўғирчоқ театри ҳамкорлигида болажонлар учун ташкил этилган бу ажойиб эртак қаҳрамонлари от-араваси бугун Бухоро вилоятининг барча оромгоҳлари бўйлаб саёҳатда.

Бухоролик ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, улар орасида соғлом турмуш тарзи ва китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида вилоят Сардорлар кенгаши бир қатор лойиҳалар ўтказмоқда. «Камолот кутубхонаси» деб номланган лойиҳани ҳам дам олувчилар илиқ кутиб олмоқда. Вилоятнинг ёш қаламкашларию таникли адиблари, эстрада хонандалари иштирокчидаги учрашуларга уланган «Китоб байрами» болажонларга бир олам қувонч ва унутилмас таассуротлар улашмоқда.

«Ёзни «Камолот» ва «Камалак» билан!» лойиҳаси доирасида Ҳаракат фаоллари томонидан туманлардаги оромгоҳларда ҳам «Камолот»да камол топамиз!», «Камалак» —

бизнинг ташкилот», «Мен дам олаётган оромгоҳ», «Камолот» кубоги учун ёз — 2014» каби семинар-тренинглар, расмлар танлови, спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинапти.

Жондор туманида битта доимий оромгоҳ ва ўн тўртта кундузги оромгоҳ болалар хизматида. Ҳаракатнинг туман кенгаши болаларнинг кўнгилли дам олишлари учун турли туман лойиҳалар, маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ва кўргазмалар уюштирмоқда. «Ниҳол» оромгоҳида «Дунё — болалар нигоҳида» шиори остидаги асфальтга расм чизиш тадбири, «Оромгоҳ маликаси», «Кувноқ эстафета» ва бошқа тадбирлар шулар жумласидандир. Когон туманида бешта мактаб олди: «Гулхан», «Ғунча», «Истиклол», «Камалак» ва «Келажак» оромгоҳлари мавжуд бўлиб, уларда икки мавсум давомида 450 нафар ўқувчи мириқиб дам олди, соғлигини мустаҳкамлади. Когон шаҳрида эса тўртта мактаб олди: «Булбулча», «Гулхан», «Бойчечак»,

«Қуёшжон» оромгоҳлари бўлиб, ҳар мавсумда 360 нафар бола ҳордиқ оляпти. Оромгоҳларда «Истеъдод эгалари», «Жажжи гўзал», «Белбоғли йигитлар», «Дунё — болалар нигоҳида», «Кувноқлар ва зукколар», «Кўғирчоқ спектакллар» танловлари, «Чекмасдан ёшлик гаштини сур!», «Ёшлар гиёҳвандликка қарши» широрлари остида акциялар, «Ким бўлсам экан?» мавзуида қизиқарли суҳбатлар ўтказилмоқда.

Атроф-муҳитга, табиатга, қушлар ва ҳайвонларга меҳр-шарфат туйғусини туюётган Шохрухбекнинг онаси Ҳилола опа эса бугун ҳаммадан ҳам мамнун: «Ўйинқароқ боламининг инглиз тилида шеърлар ёд олгани, миллий спорт ўйинларини ўрганаётгани мени фахрлантирди», — дейди у.

Дарҳақиқат, бугун оромгоҳларда болалар учун яратилган шарт-шароит ва имкониятлардан ота-оналар ҳам миннатдор.

Лайло ҲАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири

ФИФА қондалари асосида

Термиз шаҳридаги «Сурхон» спорт мажмуасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилотлари аъзолари ўртасида ўтказилаётган мини-футбол мусобақасининг худудлараро минтақавий босқичи бўлиб ўтди.

«Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши, Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилаётган ушбу мусобақада Навоий вилоятидаги ҳарбий қисмининг «Фидокор», Қашқадарё вилояти руҳий касалликлар диспансерининг «Шифокор», Сурхондарё вилояти Қизилқум тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг «Ҳаваскор» жамоаси майдонга тушди.

— Уч босқичда ташкил этилган мазкур мусобақада ўн саккиз ёшдан ўттиз ёшгача бўлган корхона, ташкилот ва муассаса ишчи-ҳодимлари иштирок этапти, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашининг спорт лойиҳалари бўлими мутахассиси Қаҳрамон Мауленов. — Мусобақа Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан тасдиқланган «Мини-футбол ўйин қоидалари» ҳамда ФИФАнинг услубий кўрсатмасига асосан ўтказилапти. Бугунги мусобақада маҳаллий ва ҳудудий босқичларда голибликни қўлга киритган жамоалар беллашмоқда. Мақсадимиз ёшларни спортга кенг жалб этиш, улар ўртасида дўстлик ришталарини қарор топтиришдан иборат.

Қизиқарли ўтган мусобақа сўнггида голиб ва совриндорлар аниқланди. Унга кўра, Навоий вилоятининг «Фидокор» жамоаси «Камолот» кубоғини қўлга киритган бўлса, иккинчи ўрин Қашқадарё вилоятининг «Шифокор» жамоасига, учинчи ўрин Сурхондарё вилоятининг «Ҳаваскор» жамоасига насиб этди.

— Аввало, буюк алломамиз Термизий юртида меҳмон бўлиб турганимиздан хурсандимиз. Ушбу мусобақани ташкил этган ташкилотчиларга барча жамоа номидан миннатдорчилик билдирамиз. Мусобақада иштирок этиш билан бирга, янги дўстлар ҳам орттиряпмиз, — дейди Навоий вилоятининг «Фидокор» жамоаси аъзоси Зоир Жалилов.

Мусобақа сўнггида голиблар ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбири

Бу йил Ўзбек Миллий академик драма театри ташкил этилганига юз йил бўлди. Ўзбек санъати ва маданиятида бу кутлуғ даргоҳнинг алоҳида ўрни бор. Бир асрлик тарихига назар соларканмиз, юзлаб санъат дарғалари сиймоси кўз олдимизга келади: Шукр Бурҳонов, Обид Жалилов, Фани Аъзамов, Зайнаб Садриева, Раззоқ Ҳамроев... Бугун ушбу театрда бир пайтлар бу каби устоз санъаткорлар билан бир сахнада рол ижро этган, уларнинг ўғитларидан баҳраманд бўлган кўплаб актёр ва актрисалар фаолият кўрсатмоқда. Ўзлари ҳам устозлик даражасига етган бу фидойи инсонлар суҳбатини олиш, маҳорат сирларини билиш санъат соҳасида таълим олаётган талаба тенгдошларимиз ёхуд актёрлик фаолиятини бошлаган ёшларнинггина талаб-истаги эмас. Санъатга ихлосманд барча тенгдошларимиз ўзбек театр санъатининг бугунги вакиллари, таниқли актёрлар ўй-фикрлари, фаолиятлари билан қизиқади. Улардан ўрнат олишга интилишади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, театр ва кинода яратган ўнлаб образлари билан эл меҳрини қозонган актёр Маҳмуд Исмоилов ҳам улуғ санъаткорлар сабоғини олган, улар билан бақамти ижод қилиш бахтига муяссар бўлган санъат усталаридан бири. Актёр билан суҳбатимизни у кишининг санъат оламига, Ўзбек Миллий академик драма театрига қўйган илк қадамлари ҳақидаги савол билан бошладик.

Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигига



БУ ДАРГОҲДА УЛУҒ ИНСОНЛАРНИНГ ИЗИ БОР

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Исмоилов билан суҳбат

театр билан боғлиқ эканини ҳис қилади. Фақат бир жиҳати бор эди: театрда кўплаб истеъдод соҳиблари меҳнат қилади. Ёш талаба учун бу даргоҳда ўрин бормикан? Тўғри, у ўзига ишонадиган йигит, соғлом рақобатдан асло чўчимайди, ўз устида ишлашдан қочмайди, лекин театр, барибир театр. Унга ишга кириш учун фақат иқтидорнинг ўзи камлик қилади. Бу даргоҳнинг ўз анъаналари бор...

— Инсон қайси касбни танламасин, аввало, ўзи хизмат қиладиган жойда ўз ўрнини топишга интилади, — дейди санъаткор. — Чунки бусиз энг юксак мақсадларга етиш қийин. Албатта, ёшлиқнинг ҳавоси бошқача. «Мен энг машҳур санъаткор бўламан!», «Биринчи рақамли актёр деб ҳамма мени эътироф этади!» деганга ўхшаш жўшқин истаклар шу соҳани танлаган ҳар бир йигит қалбида бўлади. Лекин бу орзу-ҳаваслар кейинчалик ўзининг ҳар бир соҳибни тақдирида ҳал қилувчи аҳамият касб этишиям бор гап. Биров ўша хою-ҳавасларга ортиқча берилиб, изланиш, ўқиш-ўрганишни унутиб қўяди. Кимдир худо юқтирган истеъдодни билим ва маҳорат билан сайқаллаштиради. Бунда устозларнинг хизматини ҳам тан олиш лозим. Қараб-сизки, халқ икки хил актёрга эга бўлади. Биздан олдинги ва биз тенги кўплаб актёрлар Ўзбек Миллий академик драма театри оstonасига қадам қўйганимизда устозлардан ўрганамиз, уларнинг ҳаёт ва ижод мактабларида сабоқ оламиз, дея яхши ният қилганмиз. Ишонаманки, бугун бу муқаддас даргоҳга қадам қўяётган ёшларимиз юрагида ҳам ана шундай эзгу ният бор.

Ёшлигимдан томошалар, тadbирларда мунтазам иштирок этганман. Мактаб сахнаси ҳам бўлажак актёрни тоблайди. Актёрлик куртаклари илк бор ўқувчиликда бўй кўрсатади. Йиллар ўтиб, ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига ўқишга киргач, тadbир, мактаб ёки турли кичик томошалар учун мўлжалланган сахналар мен учун торлик қилишини ҳис қилдим. Бир томони қизиқиш ва ҳавас, иккинчи томони олдимга қўйган мақсадларим мени Миллий театрга бошлади. Кўп қатори мен ҳам бу отахон даргоҳга серқатнов бўлиб қолдим.

Институтнинг учинчи курсида таҳсил олар экан, ёш Маҳмуд ўзининг тақдири

— Устозларимизнинг берган билими, кўрсатган йўл-йўриқлари қанот бўлиб, мени ўз устимда янада кўпроқ ишлашга ундади, — дейди Маҳмуд Исмоилов. — Ўқишни битирганимдан сўнг, Ўзбек давлат драма театрига ишга қабул қилиндим. Турли хил ролларни ижро этиб, тажрибамни оширдим. Секин-аста, томошабинлар эътиборига туша бошладик. Бироқ қалбимнинг туб-тубида Ўзбек Миллий академик драма театрида ишлаш орзуси бор эди. 1988 йил, 34 ёшимда менда бу орзуим ижобати йўлида имконият пайдо бўлди. Мени Миллий театрга таклиф этишди. Ва иккиланмасдан бу таклифни қабул қилдим.

Мана шу пайтдан бошлаб, Маҳмуд Исмоилов ҳаётида туб бурилиш юз берди. У ёшлигида ўзи ҳавас қилган устоз санъаткорлар билан биргаликда ижод қилиш имкониятига эга бўлди.

— Бу даргоҳ сахнасида Зикир Муҳаммаджонов, Наби Раҳимов, Жўра Тожиев, Турғун Хонтўраев, Саъдихон Табибуллаев, Икрома Болтаева, Фани Аъзамовдек улуғ устозлар билан бирга ижод қилдим, — дейди актёр ўша дамларни хотирлаб. — Ҳамиша устозларимдан олган насихатларга тўлиқ амал қилишга интиламан. Уларнинг берган сабоқлари замирида «Саҳна — муқаддас», «Театр — табаррук» деган мазмун мужассам. Уларнинг ўғитларини тинглаш насиб этганидан, уларнинг оёқ излари қолган табаррук масканда хизмат қилаётганимдан фахрланаман.

— Актёрларнинг ўз касбига муносабати ҳақида нималар дейсиз?

— Ёш ҳамкасбларим фаолиятини доимо кузатиб бораман. Актёр ҳамиша ўрганиши керак, деган фикр мен учун ўзига хос шиорга айланган. Агар самимий, тоза кўнгил билан қаралса, ҳатто энди сахнага қадам қўйган ёшлардан ҳам нимадир ўрганиш мумкин. Шу маънода айтганда, бугунги ёш театр ва киноактёрларимиз

орасида мен ҳавас қилган, ижодини хурмат қиладиганларим кўп. Жумладан, С.Отажонов, Т.Саидов, М.Раҳматов сингари актёрларнинг имкониятларини юқори баҳолайман. Бироқ ҳаммаси ҳақида ҳам бундай фикр билдириб бўлмайди. Сиз «қасбга бўлган муносабат» деган ажойиб жумлани ишлатдингиз. Дарҳақиқат, ҳар бир инсоннинг, агар у бирор касб-корга эга бўлса, ўз ишига муносабати аъло даражада бўлмоғи шарт, деб ўйлайман. Масалан, интизомига қараб унинг ўз ишига, касбига бўлган ҳурматини билиб олиш мумкин. «Мен ўз касбимни севаман», «қасбим — менинг ҳаётим» деган жарангдор гапларни истаганча айтиб юриш мумкин, лекин унинг дили билан тили бирми, иши билан сўзи бирми, буни у хизмат қилаётган даргоҳдаги кишилар яхши билишади. Интизом бор жойда муваффақият ҳам бўлади. Айрим ёш актёрларимизга хос камчиликлардан яна бири сабр-сизликдир. Ҳали етарли билим ва кўникма ҳосил қилмай, бошқача айтганда, ҳали тўлиқ тайёр бўлмай туриб, бош ролни ўйнайман, дейишади. Бу уларнинг кўнглидаги машҳурлик ҳавасидан бўлса керак. Театр актёри бўлиш ниҳоятда машаққатли иш. Саҳнада биров бўлиб «яшаш», биров бўлиб «гапириш», биров бўлиб «ҳис қилиш» кишидан истеъдод билан бирга катта руҳий қувватни ҳам талаб қилади. Шунинг учун ҳам кўпни кўрган устозларимиз: «Меҳнат қилмас экансан, ўз устимда ишламас экансан, бу йўлда ўзингни ҳам, ўзгаларни ҳам овора қилма» дейишарди. Бугун биз ёш, қобилиятли актёрларимизга қарата: «Сиз ўз истеъдодингизни намойиш этиш учун катта имкониятларга эгасиз, улардан фойдаланинг. Шунда ўзингизнинг фаолиятингиз учун ҳам, томошабин учун ҳам хизмат қилган бўласиз» деймиз.

— Яқинда Ўзбек Миллий академик драма театрининг юз йиллиги нишонланади. Бу нафақат соҳа вакиллари, балки бутун ўзбек санъатининг байрами. Бу байрамга сиз раҳбарлик қиладиган театр жамоаси қандай тайёргарлик кўраяпти?

— Бугунги авлод санъаткорлари жуда бахтли. Бизга кадрдон театрининг юз йиллигини кўриш насиб этмоқда. Шу ўринда баъзи фикрларимни билдирсам.

Муҳтарам Юртбошимизнинг ташаббуслари билан нафақат бизнинг театр-

га, балки юртимиздаги барча театрларга катта эътибор қаратилмоқда. 2001 йил 31 августда театримиз қайта таъмирланиб, унга Ўзбек Миллий академик драма театри мақоми берилди. Утган давр мобайнида театр юртимизнинг, халқимизнинг ифтихори саналиб келди. Кутлуғ даргоҳда жаҳон драматургиясининг энг нодир асарлари сахналаштирилди. Буюк актёр ва актрисалар ижод қилдилар. Ўзбек санъаткорларининг довуғи дунёга ёйилди. Отелло ролини ўйнаган Ўзбек актёри маҳоратига Шекспир ватани Англияда ҳам қойил қолишди. Юртимиз театр ижодкорларига хорижлик мутахассислар томонидан берилган юксак баҳо бутун халқимизга берилган баҳо, десак ҳам муволафа бўлмайди.

Президентимизнинг 2014 йилнинг 22 январидagi «Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорининг қабул қилинган ўзбек театр санъати, барча санъаткорлар, шу соҳага берилган юксак эътиборнинг ёрқин ифодаси бўлди. Мазкур қарорга мувофиқ, театримизда капитал таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Театрнинг ташқи ва ички кўриниши, ўриндиклари ва асбоб-ускуналари таъмирдан чиқарилиб, зарур бўлса, алмаштирилиб, замон талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган ҳолга келтирилмоқда.

Бугун биз, театр ходимлари, ҳар бири-мизнинг қалбимизда ҳаяжон. Ҳар бир ўзбек санъаткори, санъат ва маданиятга алоқадор инсонлар бу кутлуғ айёмни юрагимиздан ўтказиб нишонлапмиз. Асосий тантаналаргача ҳали вақт бўлса-да, ҳозирдан бу байрам шуқуҳи билан яшяпмиз.

Озод ва обод Ватанда яратилган имкониятлардан, барча соҳалар қатори санъатга, театр санъатига қаратилаётган юксак эътибор ва ғамжўрликдан бошимиз осмонда. Бунга жавобан бор истеъдод ва маҳорат, билимимизни ишга солиб, миллатимиз, халқимиз маънавиятига хизмат қиладиган асарлар, образлар яратиш бурчимиз. Бу бурчни бажариш йўлида мен барча ҳамкасбларим, театр намояндалари, шу даргоҳнинг катта-кичик барча ходимлари, ижодкорларига омад ва муваффақиятлар тилайман.

«Turkiston» мухбири
Жавохир КАРОМатов суҳбатлашди

Султонбек гроссмейстер бўлмоқчи

Bolalar sporti

Қаршилик Султонбек Турсунов кичкиналигидан акаси Ислонбекка эргашиб, шахмат сирларини ўрганди. Эндигина шаҳардаги 7-мактабнинг 2-синфига ўтган бу болакай дастлаб маҳалласидаги шахмат клубига, кейинчалик «Геолог» спорт мажмуаси қошида ташкил этилган «Ёш шахматчилар» клубига қатнай бошлади.



Илк галабасини мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида ўтказилган вилоят биринчилигида қўлга киритган ёш иқтидор соҳиби бугунга келиб нафақат республикамизда, балки халқаро миқёсда ташкил этилаётган мусобақаларда ҳам фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгалламоқда.

— Шахмат ҳаётим мазмунига айланиб борапти. Устозларим бераётган ўғитлар бу спорт сирларини янада мукамалроқ ўрганишимга

ундамоқда. Ака-опаларим сингаримен ҳам юртимиз байроғини юксак кўтариб, Ўзбекистон номини, унинг фарзандлари қандай ишларга қодир эканлигини бутун дунёга таратишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман. Эришаётган ютуқларимни эса ота-онам, устозларим ва албатта, Юртбошимизнинг биз, ёшларга билдираётган улкан ишончлари ва умидларидан деб биланман, — дейди ёш спортчи.

Султонбек 2013 йилда 10 ёшга-

ча бўлган болалар ўртасидаги Республика чемпионатида иштирок этди. 2014 йилда эса 8 ёшга-ча бўлган болалар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида олтин медални қўлга киритди. Шунингдек, 2014 йил 20 — 28 июнь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида тезкор шахмат йўналишида кумуш медаль билан тақдирланди.

Баҳодир ЮСУПОВ

Menga soʻz bering

Соғлом ахлоқ соғлом муҳитга улфаяди

Мамлакатимизда ёшларга катта эътибор қаратилаётгани давлатимизнинг эртаимиз эгалари тақдирига бефарқ эмаслигидан далолат беради. Бунга қабул қилинган қатор қонун, қарор ва қонуности ҳужжатлари орқали ҳам амин бўлишимиз мумкин.

Жорий йилнинг 6 февралда Давлатимиз раҳбари томонидан «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарорда ҳам ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, замонавий билим ва касб-

хунар сирларини пухта ўзлаштиришга кўмаклашиш масалаларига алоҳида эътибор берилган.

Қарор ижроси юзасидан жойларда турли чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Сирдарё вилояти таълим муассасаларида ҳам мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида ўқитувчилар, ўқувчилар ва маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда қатор тад-

бирлар ўтказилди.

Яқинда коллежимизда бўлиб ўтган навбатдаги тадбирда вилоят хотин-қизлар кўмитаси, туман ФХДЁ бўлими раҳбарлари ҳамда вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари ҳамда касб-хунар коллежи ўқитувчилари ва ўқувчилари ўртасида учрашув, семинар-тренинг ва давра суҳбатлари ташкил этилди.

Учрашув давомида иш-

тирокчилар «Эрта никоҳлар, эрта туғруқ, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳлар тузилишининг олдини олиш ва унинг салбий оқибатлари», «Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ичкиликбозлик ва гиёҳвандликнинг олдини олиш», «Одам савдоси — давр муаммоси», «Диний ақидапарастликка қарши кураш ва унинг олдини олиш» каби мавзуларда фикр алмашилди.

Тадбирлар давомида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан атрофлича жавоб олдилар.

Комилжон ШАРОФБОВ,
Боёвут қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

Qaldirg'och

Болаликнинг умидбахш сатрлари

Севарабону эндигина еттинчи синфга ўтди. Унинг адабиётга меҳри бўлакча. Шеърини машқларини кузатиб, кўнглида болаларга хос митти тасаввур, шоирона фикр куртак отаётганлигидан қувондим. Албатта, бу борада ҳали кўп ўқиб-изланиши, меҳнат қилиши талаб этилади. Шеърни фикрнинг гултожиги айлантириш ўз қўлингдандир. Ана шундай машаққатли йўлда изланишдан толма, Севара!

Ашурали БОЙМУРОД,
шоир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси аъзоси

Ёз

Ёз бетақрор фаслди,
Кўкка қиламан парвоз.
Қанот ёзар болалик,
Беғуборлик қандай соз.

Қушлар сайрар бир ёнда,
Осмонни ўпар варрак.
Ой зиё сочган онда,
Гўзал бўлар теварак.

Куз

Мевалар ғарқ пишади,
Хирмон тўлар «олтин»дан.
Ёмғир ёғса кераг-ов,
Тағин, билмам олдиндан.

Шамол сабаб хазонлар,
Қўшиқ айтар шивирлаб.
Шу йўсинда маконлар,
Қишга етар имиллаб.

Ватан

Ватан бу — онадир,
Ватан — ягона.
У менинг бешигим,
Ватан бу — алла.

Ватан бу — азиз тупроқ,
Менинг онамдир.
У меҳр маскани,
Ижодхонамдир.

Китоб

Китоб менинг чин дўстим,
Ҳам устозим бўлади.
Китоб ила бу олам
Нур-зиёга тўлади.

Севарабону НИШОНБОВА,
Бекобод шаҳридаги 14-мактаб ўқувчиси



Мукофотлар тақсимланди

Бразилияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида иштирок этган терма жамоаларга FIFA мукофот пулини тақсимлаб берди.

576 миллион АҚШ доллари шундай тақсимланди: Эквадор, Португалия, Хорватия, Босния ва Герцеговина, Кот-д'Ивуар, Италия, Испания, Россия, Гана, Англия, Эрон, Жанубий Корея, Австралия, Гондурас, Япония, Камерун терма жамоаларига саккиз миллион АҚШ долларида мукофот пули теккан бўлса, Чили, Мексика, Швейцария, Уругвай, Греция, Жазоир, АҚШ, Нигерия термалари ҳар бири тўққиз миллион АҚШ доллари эга бўлди. Қолган жамоалардан Колумбия, Бельгия, Франция, Коста-Рика ҳар бири ўн тўрт миллион АҚШ долларини, Бразилия йигирма миллион АҚШ долларини, Голландия йигирма икки миллион АҚШ долларини, Аргентина йигирма беш миллион АҚШ долларини, Германия ўттиз беш миллион АҚШ долларини санаб олди.

Ўзбошимчалик уч минг еврога тушди

Испаниянинг Памплона шаҳрида бўлиб ўтган «Сан-Фермин» фестивалида иштирокчи селфи (ўз-ўзини суратга олиш) олгани учун уч минг евро (тахминан 4100 АҚШ доллари) миқдорида жаримага тортилди.

Маълум бўлишича, иштирокчи Буюк Британиядан фестивалнинг айнан шу — энсёрро қисми учун келган экан. Томошанинг бу қисмида одамлар шаҳар кўчалари бўйлаб буқалардан қочишади. Йиқилган ёки қолиб кетганларни жониворлар босиб кетади. Ташкилотчилар хавфсизлик учун қатнашчиларга югуриш вақтида расм ва видеога олишни тақиқлашади. Умумий ҳисобда икки киши тартиб-қоида ни бузгани боис, катта жаримага тортилган.

Ирода синовиди

Нидерландияда «Just» креатив агентлиги томонидан «99 кун эркинлик» (99 Days of Freedom) номли лойиҳаси ишга тушди.

Лойиҳада иштирок этишни хоҳлаганлар 99 кун давомида Facebook ижтимоий тармоғидан фойдаланмаслиги керак. Лойиҳада иштирок этиш учун интернет фойдаланувчилари рўйхатдан ўтиб, ўз профилига «99 Days of Freedom» белгисини ўрнатиши, шундан сўнг 99 кун мобайнида «Facebook»ка кирмаслиги лозим. Маълум бўлишича, мутахассислар тажриба орқали ижтимоий тармоқдан воз кечиш, инсонлар ҳаётига қай даражада ижобий таъсир кўрсатишини аниқлаш ниятидалар. «Facebook»нинг ижобий томонларини ёдга солиш мақсадида, агентлик ходимлари «ижтимоий тармоқдан меъёр билан фойдаланиш руҳий фойда олиб келиши» ҳақидаги фикрни ҳам алоҳида таъкидладилар.

Ўйинқароқлик ҳам эви билан

Мексика пойтахти Мехико шаҳридаги метро поезди бошқарувчиси иш пайтида планшетда онлайн ўйин ўйнаётгани маълум бўлди.

Машинаст ўз ишига қандай ёндашаётганини кўриб қолган йўловчилардан бири ҳатто уни салкам икки дақиқа видеога олишга ҳам улгурган. «Ўйинқароқ» машинаст буни сезмаган. Youtube сайтыда жойлаштирилган видеода машинаст ўзининг айбёдида ўйинни қандай ўйнаётгани ва поезд ўз маршрутида қандай тезликда ҳаракатланаётганини аниқ кўриш мумкин. Мехико шаҳар метроси раҳбарияти ўз ходимини ишдан бўшатиб, аҳоли ишончини қайтаришга уринмоқда.

Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади

Hunari borning — xazinasi bor



Самарқанд миллий хунар-мандлик ва қурилиш касб-хунар коллежи ўқувчиси Акмалжон Насимов ёғочдан турли ўйинчоқлар ясайди. Ҳар бир ўйинчоқ санъат асаридек гап. Айниқса, турфа русумдаги юк ва енгил машиналари, мотоциклларнинг митти конструкциялари кўзни қувнатади.

Яқинда Акмал Насимов ўз ишлари билан «Юрт келажаги» кўрик-танловининг шаҳар босқичида қатнашиб, ғолиб бўлди.

Munosabat

Ҳаёт кўзгуси синиқ бўлмасин

Ҳар куни ишга келаётиб, Алишер Навоий номидаги кино саройи олди-дан ўтаман. Янги фильмларнинг афишалари эътиборимни тортади. Бари юртимизда суратга олинмоқда. Ҳа, сўнгги йилларда ўзбек киноси анчайин ривожланди. Ранг-баранг киномаҳсулотлар экран юзини кўрмоқда. Бир томондан, ўзимизнинг фильмлар кўп бўлгани ҳам яхши. Ўзингга ёққанини танлаб, томоша қиласан. Шу юртининг нафаси сезилади уларда.

Кунларнинг бирида қандай янги фильм чиқибди экан, деган хаёлда автобусда кетаётсам, орқамдан бировнинг: «Эх, аттанг, ҳозирги фильмларимиз бир пулга қиммат бўлиб қолди» деган эътирози эшитилди. Ўгирилиб қарасам, нуроний ёшдаги

отахон.

— Отахон, ўзбек фильмларини мунтазам кўриб борасизми?

— Мана бу суратларга бир қара, ҳаммасида бир хил қиёфа, бир хил актёрлар. Айрим фильмларни томоша қилганда хафа бўлиб кетаман. Ҳа, бу ки-

ночиларимизга нима етишмайди ўзи?! Бунчям савиясиз фильмлар олиш-маса?.. Кўпининг мавзуси енгил-елпи. Бу ҳам етмаганидек, уни қойилмақом қилиб кўрсатиб беролмаётгани қанча.

— Сен ҳам кино оласанми? — кутилмаганда сўраб қолди суҳбатдошим.

— Йўқ, мен «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатида ишлайман, — дедим мийғида қулиб. — Яқиндагина сизни куюнтираётган саволларга жавоб топиш мақсадида Ёш киноижодкорлар форумини ўтказдик.

Отахоннинг юзига табассум югурди.

— Барака топинглар! Фақат бир илтимос, бу

нарсани ўз ҳолига ташлаб қўйманглар. Ахир, кино халқ маънавияти ва маданиятининг кўзгуси. Унда ҳаётимиз гўзал акс этмоғи даркор.

Мен ўз бекатимда тушиб қолдим. Аммо отахоннинг гапи ҳамон қулогимда турибди: «Кино халқ маънавияти ва маданиятининг кўзгуси». У томошабинни тарбиялайди, дунёқарашига таъсир кўрсатади. Шундай экан, миллий киноизнинг бугунги аҳоли ва савияси ҳар биримизга дахлдор долзарб мавзудир. Ҳаёт кўзгусининг синиқ бўлмаслиги сизу бизнинг муносабатимизга боғлиқ.

Шоҳиста АЙТБОЕВА

ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

Бу галги саволимиз жуда оддий. Уни тест шаклида берамиз: ёзнинг ҳароратли, қишнинг совуқ кунларида жуда асқотадиган термосни биласиз. «Термос» сўзининг луғавий маъноси ўзи нима?


- A. Ҳароратни бир хил сақловчи
- B. Иссиқ, қайноқ
- D. Чойнак
- E. Шиша идиш

Жавобингизни 22 июль соат 16.00 га қадар 233-79-69, 233-95-97 рақамларига кўнғироқ қилиб беришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби: **Муҳаммаджон Мирзаев.** Тўғри жавобни биринчи бўлиб Тошкент шаҳридан Қобилбек Каримбеков йўллади.

□	□	□	□	□	Қатғият, матонат	□	□	□	Ойлик, мойна	□
Она юрт	Кундуз-нинг акси	□	Пальто матоси	Аҳил, тотув	□	□	□	□	□	□
□	□	□	□	□	□	Раҳбар, раис	□	□	Жиги-бийрон	□
Буюк Британия пойтахти	□	Умид, ният	□	Сув идиши (қадимда)	□	□	□	□	□	□
Ошбоп сабзавот	□	Тухуми тоғида-мас қуш	□	□	□	□	□	□	□	□
□	□	□	□	□	□	□	□	□	□	□
Кам, жичча	Мадрид футбол клуби	□	Забон, лисон	□	□	□	□	□	□	□
□	□	□	□	□	□	□	□	□	□	□
□	□	□	□	□	□	□	□	□	□	□
□	□	□	□	□	□	□	□	□	□	□
□	Узум нави	□	Бепарво, бекунт	□	□	□	□	□	□	□

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов



Илк саҳифалар «Камолот» лойиҳаси» рукнида Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги «Камолот» ёшлар оромгоҳида бўлиб ўтган медиа-тренингга бағишланади.

«Назм» рукнида ёш ижодкорлар Файрат Маҳид ҳамда Маликабону Умрзоқованинг шеърга солинган дил сўзларидан баҳраманд бўласиз.

Муаллиф Адолат Файзиева ўзининг «Балоғатга етмаган китоблар» мақолисида бугунги кунда чоп этилаётган китоблар савияси ҳамда уларга қўйилаётган талаблар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини баён этади.

20-, 21-саҳифалар ўз соғлиғи ҳақида қайғурувчи ҳеч бир ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Сабаби, журналхон Республика Соғлиқни сақлаш вазири Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти олий тоифали шифокор-гематолог, маслаҳат-диагностика бўлими мудири Гулчеҳра Ибрагимованинг яна бир касаллик — лейкоз, унинг келиб чиқиш сабаблари ва даволаниш йўллари ҳақида берган маълумотларни ўқиши мумкин.

Айни фаслда кўплаб болажонлар ўзларининг севимли мавсуми — ёзги таътил кунларини мароқли ўтказиш учун шаҳар ташқарисидаги ва мактаблар ёнида ташкил этилган оромгоҳларга бориб, дам олмақда. Минг-минглаб ўғил-қизлар сўлим табиат бағрида, дам олиш масканларида хордиқ чиқармоқда. «Таътил мароқли ўтати» номли мақолада уларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказиш учун олиб борилаётган чора-тадбирлар, ёзли оромгоҳлар ҳаёти ёритилган.

Шунингдек, «Футбол — миллионлар ўйини», «Баркамол авлод тарбияси йўлида», «Вужуддаги оташ хислати», «Музейлар — бетакрор маданиятимиз хазинаси» сингари турли-туман мақолалар, қувноқ латифалару ажойиб маълумотлар журналнинг ранг-баранг саҳифаларида ўз ўқувчисига мунтазир!

Умида ИСМОИЛОВА
«Turkiston» муҳбири

«TURKISTON» САВОЛ БЕРАДИ»

Медиа лойиҳамиз давом этади. Лойиҳа доирасидаги навбатдаги учрашув 2014 йилнинг 21 июль кuni «Камолот» ЁИХ Сурхондарё вилояти кенгаши раиси **Анвар Раҳмонов** билан бўлиб ўтади. Суҳбатдошимиз ҳақидаги маълумотларни www.kamolot.uz сайтида ўқишингиз мумкин.

Савол ва таклифларингизни savol@turkiston.uz электрон манзили ёки (+99871) 233-79-69 телефон рақами орқали кўри қоламиз.

Энг қизиқарли савол ва таклиф муаллифларини совғалар кутмоқда. Ўз позициянгизни намён этишга шошилинг.

YONDAFTARCHANGIZGA

Олийҳиммат киши ютүққа эришса, бошқалар билан баҳам кўради. Пасткаш зафарининг қабиҳлиги шундаки, у қаноат қилмайди ва яна ҳам кўпроқ нарсани қўлга киритишни истади.

Абу Бакр Хоразмий